

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 9 июнь • №22 (1406)

ХАЛҚАРО ФОРУМ

АНЪАНАВИЙ ХАЛҚ ТАБОБАТИ – НОЁБ МЕРОС

Тошкент шаҳридаги Халқаро анжуманлар саройида 2022 йилнинг 7 июнь куни “ШХТ мамлакатлари анъанавий (халқ) табобатини замонавий соғлиқни сақлаш тизимларига интеграцияси” халқаро форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида ташкил этилган анжуманда аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирлари, илмий доира вакиллари, замонавий ва анъанавий тиббиёт, реабилитология, фармацевтика ва экспериментал тиббиёт соҳасидаги етакчи мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда халқ табобати имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари, соҳадаги ютуқлар ҳақида маълумот алмашилди, халқ табобати усуллари миллий соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, шундай хасталикларни даволаш соҳасига интеграциялашувини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Соҳага мутахассислар тайёрлаш, шифокорлар малакасини ошириш тизимини йўлга

қўйиш, изчил илмий-тадқиқот олиб бориш, экспертларни аккредитациядан ўтказиш ва хизматлар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ умумий тамойиллар ишлаб чиқиш хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев иштирокчилар учун форумда илғор мамлакатлар тажрибаси, амалиёти билан танишиш имкони мавжудлиги, анжуман ШХТ давлатларининг анъанавий тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш майдони бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

– Анъанавий халқ табобати – ноёб мерос, – деди **Бехзод Мусаев**. – Унинг бой тарихини инкор этиб бўлмайди. Ибтидоий маданият тадқиқотчилари халқ табобатининг шаклланиши ер юзида инсоният пайдо бўлиши билан чамбарчас боғ-



лиқлигини исботлашган.

Учрашув давомида халқ табобати соҳасидаги усуллар, инновацион ишланмалар, касалликнинг олдини олиш, беморни даволаш ва реабилитация қилишда фаол иштирок этиш, замонавий ва анъанавий тиббиёт тизимини интеграциялаш тамойили, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ўсимликлардан фойдаланиш мавзуларида маърузалар тингланди.

– Анъанавий тиббиёт соғ-

лиқни сақлаш тизимининг муҳим бўлаги, интеграция эса ҳар қандай соҳа тараққиётининг зарурий шарт, – деди **Қозғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Марат Шоранов**. – Биз биргаликда илм-фан, амалиёт, анъана ва инновацияларни уйғунлаштириб, асосий кадрият – саломатликни асраш йўлидан боришимиз керак.

Мутахассислар анжуманнинг амалий натижаси сифа-

тида анъанавий тиббиёт усулларида фойдаланган ҳолда диагностика, профилактика, даволаш ва реабилитация қилишнинг янги воситалари, усуллари замонавий тиббиёт билан боғлаш зарурлигини бир овоздан эътироф этдилар.

Делегациялар раҳбарлари Болалар миллий тиббиёт марказига ташриф буюрди, мажмуада яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

ЎЗА.

МАҚСАДАЛАР МУШТАРАКЛИГИДА ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИ МУЖАССАМ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирларининг 5-йигилиши бўлиб ўтди

2022 йилнинг 8 июнь куни “ШХТ мамлакатлари анъанавий (халқ) табобатини замонавий соғлиқни сақлаш тизимларига интеграцияси” халқаро форуми доирасида Тошкент шаҳридаги Халқаро анжуманлар саройида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирларининг бешинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбир пойтахтимиздаги Халқаро форумлар саройида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раислигидаги гибридна шаклда ўтказилди. Мазкур йиғилишда ШХТга аъзо мамлакатлар соғлиқни сақлаш вазирлари, шунингдек, соҳада фаолият олиб бораётган халқаро экспертлар, турли вазирлик, идоралар раҳбарлари, фахрий меҳмонлар иштирок этди. Анжуман аввалида Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев ва ШХТ Бош қотиби Чжан Мин сўзга чиқиб, қатнашчиларни бугунги нуфузли тадбирдаги иштироки билан қутлади. Бош қотиб онлайн чиқишида ташкилот олдида тизимдаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш вазифаси турганини таъкидлаб, бунинг учун барча имконият мавжудлигини қайд этди.

Давоми 2-бетда →



МАҚСАДАЛАР МУШТАРАКЛИГИДА ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИ МУЖАССАМ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирларининг 5-йигилиши бўлиб ўтди



ёрлаш, шифокорлар малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, изчил илмий-тадқиқот олиб бориш билан боғлиқ умумий тамойиллар хусусида сўз борди. Мажлисида “COVID-19 пандемияси даврида сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича ўзаро саъй-ҳаракатни бирлаштириш” масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Аъзо давлатлар эпидемиядан кейин юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун бирдамликда иш олиб бораётгани, аҳоли сало-



Давоми. Боши 1 бетда

Шунингдек, йиғилишда Қозғистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари М.Шоранов, Ҳиндистон соғлиқни сақлаш ва оила фаровонлиги вазири ўринбосари Раджеш Бхушан, Хитой Халқ Республикаси Миллий соғлиқни сақлаш комиссияси раҳбари Ма Сяовей, Қирғиз Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи Жаркинбек Касимбеков, Покистон Ислон Республикаси Миллий соғлиқни сақлаш хизматлари, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш вазирлигининг махсус котиби Ифтихор Али Шалвоний сўзга чиқди. Бундан ташқари, Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири

М.Мурашко, Тожикистон соғлиқни сақлаш вазири Ж.Абдуллозода ўз чиқишларида ташкилот олдида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш вазифаси турганини таъкидлаб, бунинг учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирларининг бешинчи йиғилишида соҳа мутасаддилари навбати билан ўз маърузаларини тақдим этишди.

“ШХТ мамлакатлари анъанавий (халқ) таботатини замонавий соғлиқни сақлаш тизимларига интеграцияси” халқаро форумининг иккинчи кунда соҳада мутахассислар тай-

матлигини ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўриляётгани айтиб ўтилди. Дастурга мувофиқ, тузилмага аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш, халқ таботатининг замонавий тиббиётга интеграциялашуви, юқумли бўлмаган касалликлар хавфини камайтириш бўйича делегациялар раҳбарлари ҳисоботи тингланди. Ҳамкорлик ва алмашувнинг яхши суръати сақлаб қолгани таъкидланди. Пандемия профилактикаси, бирламчи тиббий-санитария ёрдами ва халқ таботати йўналишида амалий ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги мақулланди.

– Коронавирус авж олгандан буён Хитой инсоният ва ҳаёт тамойилига, илмий асосланган назорат ва стратегияга амал қил-

моқда, – деди жаноб Ма Сяовей. – Жорий йил февраль ойи охиридан бошлаб, омикрон штамми мутацияси туфайли Хитойда коронавирус билан боғлиқ вазият яна ташвишли тус олиб, касаллик такрорий авж олиши мумкин. Биз вирус тарқалишини иложи борича ушлаб туриш учун аниқ комплекс чоралар кўрдик. Ҳозир Шанхай ва Пекиндаги вазият самарали назорат қилинмоқда. Иккала шаҳар ҳам аста-секин меъёрий ишлаш ва яшаш тарзига қайтмоқда. Мамлакат вируснинг олдини олиш, назорат

қилиш ва даволаш бўйича тажрибасини 180 дан зиёд мамлакат, 10 та халқаро ва минтақавий ташкилот билан ўртоқлашди, 2,2 миллиард дозадан кўп вакцина тақдим этди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирларининг бешинчи йиғилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири М.Мурашко билан мулоқот ўтказди.

Йиғилиш якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирлари бешинчи йиғилишининг Протоколи имзоланди.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Носиржон ҲАЙДАРОВ олган суратлар. ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOGLIҚNI SAQLASH VAZIRINING B U Y R U F I

2022 йил 31 май

Тошкент ш.

№ 158

“Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони тўғрисида”ги 202-сонли қарори ижросини таъминлаш, ўз қонини камида қирқ марта ёки унинг таркибий қисмларидан бир қисмини камида олти марта бепул топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан мукофотлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

“Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан мукофотланган фуқаролар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика қон қуйиш маркази директори (А.Саидов) “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кў-

крак нишони ва гувоҳномалари мукофотланганларга етказилиши таъминлансин.

“Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишонини донорларга топшириш маросими Бутунжаҳон донорлар куни 14-июнда тантанали тарзда Республика қон қуйиш маркази директори, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилсин.

Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (С.Мақсудов), Республика қон қуйиш маркази (А.Саидов), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқар-

малари “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан мукофотланган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдоридagi бир йула бериладиган пул мукофотини тўлаш учун тизимга ажратилган маблағлар доирасида амалга ошириш чоралари кўрилсин.

Матбуот ва PR хизмати (Ф.Санаев) мазкур буйруқ матни “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана” газетасида ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги расмий сайтида эълон қилинсин.

Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Иноятов зиммасига юклатилсин.

Вазир

Бехзод Мусаев.

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

БУХОРО ВИЛОЯТИ

ВАЗИР ТАШРИФИДАН БУХОРО АҲЛИ МАМНУН

Бухорода пойтахтдан борган 150 нафардан ортиқ энг малакали тиббиёт мутахассислари иштирокида соғломлаштириш акцияси бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизими вакиллари олдига муҳим бир талабни қўйган: Ўзбекистон тиббиёти халққа янада яқинлаштириш шарт!



Бунга эришиш учун эса одамлар шифо масканларида узундан-узок навбат кутиб, турли бюрократик тўсиқларга дуч келиб, овораяо сарсон бўлиши эмас, шифокорларнинг ўзи беморлар хузурига бориб, уларнинг дардига дармон топиши керак! Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ўтказилган соғломлаштириш акцияларида бу механизм синовдан муваффақиятли ўтди. Галдаги манзил — Бухоро вилояти. Шу кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати жамоаси, ихтисослаштирилган марказлар мутахассислари ва тиббиёт олий ўқув юрглари профессор-шифокорлари, жами 150 нафардан ортиқ мутахассислардан иборат тиббий гуруҳ иштирокида соғломлаштириш акцияси бўлиб ўтди. Ҳо-

зирги кунда Бухоро вилоятида 249 та даволаш-профилактика муассасаси фаолият юритяпти. Улардан 187 таси амбулатор, 30 таси стационар шароитда тиббий хизмат кўрсатади. 13 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси мавжуд. 14 та вилоят даволаш-профилактика муассасаси, Жонгелди кишлоқ участка шифохонаси, Газли шаҳар касалхонаси, Мохи-Хосса туғуруқ комплекси аҳоли хизматида. Тиббиётимиздаги янгиланишлар самараси Бухорода ҳам ўз аксини топаётгани, соғлиқни сақлаш соҳаси одамларга янада яқинлашиб, тиббий хизмат сифати ва қамрови ошиб бораётгани кувонарли, албатта. Аммо тизимда хали ўз ечимини кутаётган масалалар кам эмас. Таҳлилларга кўра, ўтган йил якунида вилоятда умумий касалланиш кўрсаткичлари 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида

6,8, ўсмирлар орасида 7,04 ҳамда 18 ёшдан катта аҳоли қатлами ўртасида 0,4 фоизга камайган. Бироқ ҳудудда турли сурункали хасталиклар билан диспансер назоратида турган беморлар сони вилоят аҳолисининг 17,3 фоизини ташкил қилмоқда. Гарчи бу рақамлар 2020 йилдаги кўрсаткичлардан 5,6 фоиз паст бўлса-да, камайиш тенденциясини қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди. Бундай ўткир муаммоларни тизимли ва манзилли ҳал этиш учун эса бирламчи тиббий-са-



Эътибор беринг!

Бухородаги сайёр тиббий қабулга келганларнинг аксарияти дардманд эди. Деярли ҳаммаси ўзи ёки яқинларининг оғир хасталикдан тезроқ тузалиши учун кўмакка муҳтож эди. Муҳими, бу ердан ҳеч ким ноумид қайтмади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бехзод Мусаев ва республиканинг етакчи шифокорларидан иборат гуруҳ беморлар билан мулоқот қилиб, уларга ёрдам қўлини чўзди. Мурोजатларнинг катта қисми жойида ҳал этилди. Қолганлари эса вазирлик ва тиббиёт муассасалари мутасаддиларининг назоратига олинди. Эътиборлиси, сайёр тиббий қабул иштирокчилари дард билан келиб, қувонч ва ишонч билан уйига қайтди.

нитария муассасалари фаолиятини яхшилаш, олис ва чегара туманлар аҳолисининг соҳага доир муаммоларини ўрганиш ҳамда уларга ижобий ечим топиш, узок маҳалларда тиббиёт пунктларини ташкил этиш каби қатор чора-тадбирлар талаб этилади.

Тадбирнинг биринчи босқичида пойтахтдан келган мутахассислар жойларда “хонадонбай” тамойили асосида аҳоли

саломатлиги, уларни қийнаётган тиббиётга доир муаммоларни ўрганиб чиқдилар. Фуқаролар ўртасида касалликлар профилактикаси бўйича тарғибот тадбирларни олиб бордилар. Асосийси, ҳудудлар кесимида беморлар рўйхати шакллантирилиб, оғирлик даражаси бўйича таснифланди. Юқори технологик амалиётларга муҳтож тоифа Давлат тиббий суғуртаси ва тегишли

фондлар маблағлари ҳисобидан операцияга тавсия этилди. Шунингдек, акция давомида мобиль маммография, кўчма лаборатория ва махсус жиҳозланган мобиль тиббий автомашиналарда узок ҳудудларга бориб, аҳоли саломатлигини тиббий текширувлардан ўтказди. Иккинчи босқичда вазирликнинг махсус гуруҳи томонидан вилоятнинг қатор туманларида намунавий оммавий текширувлар ўтказилди. Бу орқали имкон қадар кўпроқ беморларни қамраб олиш, ҳудуд тиббий салоҳиятини ўрганиш, муаммоларга шу ернинг ўзида ечим топишга қаратилган сайёр қабуллар ташкил этилди. Акция доирасида Республика шошилинч тиббий маркази Бухоро филиали ва бошқа қатор муассасаларда оғир касалликларга чалинган, юқори технологик жаррохлик муолажасига муҳтож беморларда давлат ҳисобидан операциялар олиб борилди.

Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтган очик мулоқотларида белгиланган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан вилоят миқёсида ўтказилаётган соғломлаштириш акцияси Ғиждувон туманида ҳам бўлиб ўтди.

Тумандаги “Рустам Файз” фермер хўжалигида эрта тонгдан ташкил этилган ушбу соғломлаштириш акцияси доирасида ўтказилаётган чуқурлашритилган тиббий кўрикда республика ва вилоят марказидан келган бир гуруҳ малакали мутахассислар беморларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдилар. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бехзод Мусаев муаммоли масалалар билан келган мурожаатчиларни қабул қилиб, ногиронлик аравачасига муҳтожларга аравача ва беморларга эҳтиёжга кўра бепул дори-дармон воситалари берилишини таъминлади. Мураккаб жаррохлик амалиёти талаб этиладиган, бироқ шароити йўқ беморлар таъминланиб шу ернинг ўзида ордер билан таъминлаб, туман ҳокими билан ҳамкорликда пойтахт малакали шифокорларига биркитрилди ва, даволашни ҳамда жаррохлик амалиёти учун юборишга келишиб олинди.

АРМОНЛИ КЎЗ-ЁШЛАРИМ ҚУВОНЧГА АЙЛАНДИ

Дилдора САЙФУЛЛАЕВА, Ғиждувон тумани:



Қизим 15 ёшида. Мутахассисларнинг таъхисси бўйича тўртинчи даражали сколиоз касаллиги билан оғриб келмоқда. Даво муолажалар олсакда, қизимнинг саломатлигида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

Пойтахтдаги тиббиёт муассасаларга олиб бораёй десам, иқтисодим ва шароитим тўғри келмас, фарзандимда кечган азоблардан қалбим таскин топмай, юрагимда маҳзунли армон яшар эди. Кейинги пайтларда Президентимизнинг биз каби инсонлар саломатлигида

учраётган муаммо ва қийинчиликларни ҳал этишда, кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликларимизга етиб келганидан мамнун бўлиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. 15 йиллик армонли орзуларим амалга ошди. Куни кеча вилоятимизга Соғлиқни сақлаш

вазирлиги Бехзод Мусаев бошчилигида саломатлик акциясини ўтказиш учун пойтахтдаги тиббиёт муассасаларининг малакали шифокорлари ташриф буюришди. Мен ва қизим учун энг қувончли воқеа юз берди. Ғиждувон туманимизга Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бехзод Мусаевнинг ўзлари ташриф буюриб, аҳоли билан бирма-бир суҳбатда бўлдилар. Айниқса, уларнинг қизимга кўрсатган амалий ёрдамларини бир сўз билан ифодалашим қийин. Маҳаллада “Аёллар дафтари”да рўйхатда тураман. Вазиримиз қизимни Республика ихтисослаштирилган ортопедия ва травматология илмий-амалий тиббиёт марказида даволаниб, операцияни амалга ошириш бўйича туманимиз ҳокими ҳамда тиббиёт ходимларига топшириқ бердилар. Ҳатто, иқтисодий қийинчилик ва йўлда бемор қизимни қийналмаслигини инобатга олган ҳолда самолётда боришимиз шароитини ҳам

яратиб бердилар. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан кўзларимга ёш олиб, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёевга минг раҳматлар айтиб, бизнинг дардимизни эшитиб, нажоткор қалбларимизга кўтаринкилик бағишлаган, кимматли вақтини аямаган Солғлиқни сақлаш вазирлиги Бехзод Мусаевга ва маҳаллий шифокорларимизга самимий миннатдорлигимни изҳор этман. Қизим оғир дардан халос бўлиб, тенгқурлари каби жамиятга фойдаси тегса ўзимни жуда бахтли она деб ҳисоблайман. Бугунги армонли кўз ёшларим қувончли кўз ёшларига айланишини, қизим эса ўзи севган касбининг эгаси бўлишини, жамият ва оиладан ўз ўрнини топиб кетишини истаб қоламан. Биздек, саломатлиги учун нажот излаб юрган инсонларга умид бахш этган Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бехзод Мусаев ҳамда кўп сонли тиббиёт ходимлари меҳнатига қанчалар таҳсинлар айтсам арзийди.

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

БУХОРО ВИЛОЯТИ

ИХТИСОСЛАШГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ ХОНАДОНЛАРДА

Ўз касбининг чинакам билимдони бўлган етакчи шифокорлар хизматига ҳатто энг илгор мамлакатларда ҳам талаб юқори. Шу сабабли бундай мутахассислар қабулига 5-6 ой аввал навбатга ёзилиб бўлса-да, улардан зарур тиббий кўрсатмалар олишни хоҳловчилар сафи кенг.

Бир инсон кўнглини олмоқ...

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Бухоро вилоятида соғломлаштириш акцияси доирасида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ногиронлиги бўлган шундай болалар яшайдиган “Мурувват” интернат уйини ҳам четлаб ўтмади. Бундай оғир дардга чалинган болажонларни ҳатто ота-оналари ҳам баъзан кўнгилдагидек парваришлай олмаслиги мумкин. Давлатимиз эса уларни ўз меҳр-эътибори огушига олган. Соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев ушбу муассаса фаолияти билан танишиш чоғида тиббий текширувлар натижаларига кўра, ўнга яқин бемор болада зудлик билан юқори технологик операциялар ўтказиш юзасидан тизим мутасаддиларига топшириқ берди. Республика шошилинч ёрдам илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиалида ана шу ўғил-қизларда давлат ҳисобидан мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилди.

– Бизда тиббиёт халққа янада яқинлашмоқда. Олис ва чекка ҳудудларда яшовчи беморлар ҳузурига Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳбарлари, соҳа олимлари, малакали шифокорларнинг ўзлари кириб боришяпти. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Бухоро вилоятида ўтказилаётган соғломлаштириш акцияси доирасидаги чуқурлаштирилган тиббий кўриклар турли оғир хасталиклар туфайли тўшакка миҳланиб қолган юртдошларимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Пойтахтдан келган 150 нафардан зиёд тажрибали шифокорлар “хонадонбай” тамойили асосида ўрганишлар олиб бориб, жойларда касалликлар балансини шакллантиришга кўмаклашмоқда. Шунингдек, ҳудудлар кесимида беморлар рўйхати шакллантирилиб, оғирлик даражаси бўй-

ича таснифланяпти. Юқори технологик амалиётларга, стационар даволанишга муҳтож тоифа Давлат тиббий суғуртаси ва тегишли фондлар маблағлари ҳисобидан операцияга тавсия этиляпти,- дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Хуршид Фозилов.

Бухоро шаҳридаги 4-сон оилавий поликлиника 380 қатновга мўлжалланган. 31 минг нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Унинг тарки-



бида 10 ўринли кундузги стационар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Қолаверса, бу ерда яқиндан бошлаб бошқа бирламчи тиббиёт муассасаларидаги сингари беморларни 120 номдаги дори воситалари билан давлат ҳисобидан бепул таъминлаш тизими амалда. Шунга қарамай, оилавий поликлиника

хизмат кўрсатадиган ҳудудда мустақил юришга қийналадиган, сурункали хасталиклардан жиддий азият чекаётган ёки тўшакка миҳланиб қолган инсонлар бор. Бугун соғломлаштириш акцияси доирасида Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳбарлари ва етакчи мутахассислари-

дан иборат гуруҳ маҳаллий тиббиёт ходимлари ҳамроҳлигида ана шундай беморлар хонадонидан бўлди. Хусусан, сурункали гипертониядан азият чекувчи 85 ёшли Тамара Лещенко коронавирусни бошдан ўтказгач, юришга қийналиб қолгани, касаллиги янада кучайганини маълум қилди. 74 ёшли Татъяна Горских эса қандли диабетнинг биринчи тури билан оғриши, сўнгги пайтларда кўриш қобилияти анча пасайиб бораётганидан шикоят қилди. 63 ёшни қарши олган Абдулла Раҳматов ошқозон яраси туфайли аввал икки бор жарроҳлик столига ётқизилган. Бироқ кейинги даврда уни оғриқлар яна безовта қила бошлаган. Бемор стационар шароитда даволанишни истайди. Пойтахтдан келган мутахассислар уларни тиббий текширувдан ўтказиб, зарур тиббий тавсияларини берди.



СОҒЛОМ ҲАЁТ САРИ ИНТИЛИШ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИК

Шуни алоҳида таъкидлаш жонзки, саломатлик акцияси доирасида барча туманларда мутахассислар қабулида бўлган аҳоли вакилларига соғлом овқатланиш, ҳаракатчан ҳаёт тарзини ташкил қилиш ва бошқа соғлом ҳаёт кечирришга онд мавзуларда етарлича тиббий маълумотлар берилиши таъминланди.

Шу билан бирга, тадбирга келган фуқароларга буклет ва тарқатма материаллар тақдим этилди.

– Вилоятимизда нуфузли даражада ўтказилган саломатлик акцияси сама-

рали кечди. Айниқса, Соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев ҳамда пойтахтимиздаги малакали мутахассисларнинг вилоятимизга ташрифлари аҳоли саломатлигида муаммо бўлиб турган кий-

инчиликларни жойида ҳал этилишида катта имконият яратди десам муболаға бўлмайди. Шу нарсанинг гувоҳи бўлдимки, қанчадан-қанча фуқароларимизнинг Соғлиқни сақлаш вазири билан юзма-юз учрашувлари уларнинг ҳаётга бўлган умидларини янада оширди,- дейди Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Маъмура САФОЕВА.

ИМТИЁЗЛИ ОПЕРАЦИЯЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Республика ишчи гуруҳи Президент қарорлари ижросини ўрганмоқда

Республика болалар миллий маркази директори Алишер Шарипов бошчилигидаги шифокорлар жамоаси Қорақўл туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорларида белгиланган муҳим топшириқларнинг ҳудудларда ижросини таъминлаш бўйича қилинган ишлар ҳамда келгусидаги режалар билан танишдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан янгидан қурилиб, яқин кунларда фаолият бошлаши режалаштирилган

“Наркология” бўлими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қурилган тиббиёт бирлашмаси Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими таркибида “Туманлараро кўшма шикастланиш ва ўткир кон-томир жароҳатланиши” марказини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари кўздан кечирилди. Туманлараро ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги бор беморларга хизмат килувчи, 10 та шифо ўрнига мўлжалланган гемодиализ бўлими фаолияти ўргани-

либ, бемору шифо излаб келган фуқаролар билан суҳбатлашилди. Бирлашмада ижро интизоми ҳолати, фуқаро мурожаатлари билан ишлаш ва бирлашма бошлиғининг аҳоли мурожаатлари билан ишлашдаги иштироки (кунлик ва сайёр қабуллари), келиб тушган мурожаатларнинг ўз вақтида ва қонун доирасида ўрганилганлиги, бирлашма бошлиғининг туман аҳолисига мурожаатлари, бирлашмада кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш бўйича бўлимлар кесимида ўрганишлар олиб борилди. Ишчи гуруҳ томонидан кўп тармоқли марказий поликлиникада ташкил этилган “Электрон поликлиника” иш фаолияти, “Оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда бепул бериладиган дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва аҳо-



лига тарқатиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида” буйруқлар ижроси бўйича аҳолига тарқатилаётган бепул дори-дармон

воситалари бўйича муассасага қарашли ОП ва ОШПларда ўрганишлар олиб борилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан 80 нафарга яқин беморлар тиббий кўриклардан ўтказилиб, уларни кейинчалик Болалар миллий марказида имтиёзли операция қилиш режалаштирилди.

Давоми 5-бетда

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

“ПОЛВОНЛАР” МАҲАЛЛАСИДА ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КЎРИК

Тиббий хизматни халққа яқинлаштириш, маҳалла ва қишлоқларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида тизимли саъй-ҳаракат олиб борилаётганига гувоҳмиз. Буни ҳар бир юртдошимиз ўзининг кундалик турмушида сезиб, кўриб яшамоқда.

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам самардорлигини ошириш, айниқса, олис ҳудуд, чекка қишлоқларда истиқомат қилаётганларнинг ҳам юқори технологик тиббий хизматдан баҳраманд бўлишларини таъминлаш учун бугун соғлиқни сақлаш тизими ва ундаги вилоят бошқармаси томонидан ҳам амалий иш бошланган. Жумладан, куни кеча Қорақўл тумани марказидан 20 километр узоқликдаги “Полвонлар” маҳалла фуқаролар йиғинида – Кураш марказида республика, вилоят ҳамда туман мутахассислари иштирокида “Тиббиётдаги ислохотлар инсон қадрлари учун” эзгу ғояси остида кенг камровли чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил қилинди. Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Улуғбек Сабиров раҳбарлигида аҳолининг тиббий муаммоларини кенг камровда ўрганиш ва ҳал қилишга қаратилган бу кўрикда кардиолог, невропатолог, кар-

диохирург, травматолог, уролог, невролог, психиатр, педиатр, офтальмолог, отолоринголог, эндокринолог, пульмонолог, нарколог, гинеколог каби тор доирадаги мутахассислар иш олиб борди. Аниқроғи, унда бевосита республикадан 19 нафар профессор–доцент қатнашган бўлса, вилоятимиздан 22 нафар юқори малакали врач ва тумандан 12 нафар ётақчи мутахассис иштирок этди. Бу кўрикда ўндан ортиқ тиббий техника жалб қилиниб, махсус жиҳозланган мобиль проскап, мобиль офтальмологик поликлиника, мобиль маммограф, реаномобиллар воситасидан фойдаланилди. Шу куни маҳаллий аҳолининг ўз саломатлигига бефарқ бўлмаган 800 дан ошган бу кўрикка жалб қилинган бўлса, чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан сўнг уларнинг 522 нафаридан турли касаллик аломатлари аниқланди. Бунинг натижаси ўларок, туманда

49 нафар, вилоятда 5 нафар ва республикада 18 нафар бемор стационар шароитда даволанидиган бўлди. Бундан ташқари, жараёнда жарроҳлик амалиётига муҳтож 34 нафар бемор саралаб олинди, режага биноан улар имтиёзли тартибда юқори технологик операцияга жалб қилинадиган бўлдилар. Шунингдек, туманда туғма юрак нуқсонлари билан назоратда турган 18 ёшгача бўлган 132 нафар бола 3 кун мобайнида республика Болалар миллий марказидан келган профессор–доцентлар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқка жалб қилинди. Текширувлардан сўнг уларнинг 25 нафари тўлиқ тўзалганлиги аниқланиб, тиббий назоратдан чиқарилди. Шу ернинг ўзидан бу тоифадаги боланинг 3 нафаридан юқори технологиялик жарроҳлик амалиёти бажарилиб, 19 нафар болада режали равишда операция амалга оширилдиган бўлди. Муҳими, бир кунлик оммавий тиббий кўрик ўнлаб аҳоли вақилининг саломатлиги учун фойдали бўлди. Кундалик ташвиши билан банд бўлган қишлоқ одамлари ўз таналаридаги дардларидан воқиф бўлиб, шу ернинг ўзидан амалий тиббий ёрдам ол-



ганликлари бу зўр қулайлик, албатта. Юқори малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлаётганларнинг эса юз-кўзидаги хотиржамлиги ҳаётга, яшашга бўлган завқ–шавқини ошириши шубҳасиз. Шу боис, тиббий кўрик доирасида аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактик–тушунтириш ишлари олиб борилди. Айниқса, соғлом овқатланиш, рисоладагидек турмуш тарзига амал қилишга доир тавсия ва маслаҳатлар берилгани кўпчиликни бефарқ қолдирмади.

– Биз бундай тадбирларни мунтазам ташкиллаштириш бўйича Республика соғлиқни сақлаш тизими раҳбарияти билан келишиб олдик, – дейди тадбирда ҳозир бўлган туман ҳокими Хуршид Тохиров. – Зеро, давлатимиз Президентига таъбири билан айтганда, соғлиқни сақлаш – ҳар бир юртдошимизнинг кундалик ҳаётига тўғридан-тўғри дахлдор бўлиб, бу борадаги муаммолар аҳолининг саломатлиги, охир-оқибатда жамиятимизнинг ижтимоий кайфиятига, халқнинг давлатга, ҳукуматга бўлган ишончига, ҳеч шубҳасиз, кучли таъсир кўрсатадиган омилдир.

ШИФОКОРЛАР БЕМОРЛАР ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИШИ КЕРАК

Ҳозир мамлакатимизда “Тиббиёт ислохотлари-инсон қадрлари учун” халқчил тамойили тизимда босқичма-босқич татбиқ этишга киришилган.



Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг энг малакали тиббиёт мутахассислари иштирокида соғломлаштириш акцияси Вобкент туманида ўтказилди

Давлатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш тизими олдига “Ўзбекистон тиббиёти халққа янада яқинлаштириш шарт!” ва бунга эришиш учун эса одамлар шифо масканларида узундан-узоқ навбат кутиб, турли бюрократик тўсиқларга дуч келиб, оворая-сарсон бўлиши эмас, шифокорларнинг ўзи беморлар хузурига бориб, уларнинг дардига дармон топиши керак! – деган муҳим талаб қўйилган. Ҳозирга кунда мамлакатимизда айнан шундай халқчил тизимни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этишга киришил-

ган. Бу орқали Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсад қилинган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида соғломлаштириш акциялари муваффақиятли ўтказилиб, навбат Бухоро вилоятига етиб, эзгу ташаббуснинг қисқа вақт ичида қулоч ёйгани ва акция географияси кенгайиб бораётгани, тиббиётимиздаги янгиликлар самараси Бухоро ҳам ўз аксини топаётгани, соғлиқни сақлаш соҳаси одамларга янада яқинлашиб, тиббий хизмат сифати ва камрови ошиб бораётгани эса қувонарли. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Саломатлик

кунлари” ижтимоий акцияси доирасида “Инсон қадрлари учун” шиори остида соғломлаштириш ҳафталиги Вобкент туманида давом этмоқда. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Дониёр Тўлаганов бошчилигида Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаси мажлислар залида марказ ва марказнинг Бухоро филиалидан борган мутахассислар, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси тиббиёт ходимлари иштирокида “Сало-



матлик акцияси” бўйича йиғилиш ўтказди. Йиғилишда туман ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғини, қишлоқларда “Хонадонбай” даражасида хатлов ва тиббий кўрик ўтказилиши борасида тошширик ва вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, қишлоқ оилавий поликлиника ходимлари, оилавий шифокорлар ҳамроҳлигида марказдан борган терапевт ва хирурглар мутахассислиги бўйича гуруҳларга бўлиниб ҳар бир ои-

ган фуқароларни ташкил қилади. Уларнинг 92 нафарига амбулатор шароитда даволанишга тавсия берилди. 19 нафар беморларга туман тиббиёт бирлашмасига стационар шароитда ва 26 нафар беморга вилоятдаги ихтисослашган даволаш марказларига даволаниш учун йўлланма берилди. 2 та шошилинч даволанишга муҳтож фуқаро Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалига келтириб ётқизилди. Ҳаракатланиши чеklangан беморларга ихтисослашган тез тиббий ёрдам машинаси билан тор доира мутахассисларининг кўриги инструментал ва лаборатор текширувлар уй шароитида ташкиллаштирилди. Кўрилган фуқароларда кўрсатмага биноан УТТ, ЭКГ текширувлари ва лаборатор таҳлиллари ўтказилди.

Ҳаракат қилиш имконияти чегараланган бемор фуқаролар Мавжуда Халилова ва Назарбек Бозоровларга шу куннинг ўзидаёқ ногиронлик аравачаси топширилди.

BUGUNNING MAVZUSI

ОНА ВА ҚИЗЛАРИМИЗ СОҒЛИГИ МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Бачадон бўйни саратони (ББС), ҳақиқатдан ҳам дунё йўқ қилиши мумкин бўлган касаллик. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бош директори, доктор Тедроснинг 2018 йил май ойида чоралар кўришга чақирганидан сўнг, 194 мамлакат олдини олиш мумкин бўлган ва бачадон бўйни саратон касаллигидан келиб чиқадиган азоб-уқубатларни тугатиш тўғрисида жамоавий қарор қабул қилди. Бунинг амалга ошириш учун дунё аллақачон зарур воситаларга эга, улар фақат ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлиши керак.

Республикамиз миқёсида ББС билан касалланиш кўрсаткичи йил сайин ошиб бормоқда, жумладан 2016 йилда ушбу касаллик бирламчи 1465 та беморда аниқланган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 1827 тани ташкил қилди, ҳамда, ўлим кўрсаткичи 818 тадан 997 гача ошгани кузатилди. Касалликни келтириб чиқарувчи асосий омил Одам папилломавируси эканлиги аниқланган (ОПВ), бу вируснинг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, 16 ва 18 турлари юқори онкоген ҳисобланади. ЖССТ ББС ни йўқ қилишга оид Глобал стратегия ишлаб чиққан, унга асосан, ОПВ қарши эмлаш, аёллар орасида скрининг (оммавий текшириш) ўтказиш ва саратон олди касалликларини ўз вақтида, самарали даволаш бу касалликдан 100 фоиз ҳимоя ҳисобланади деб таъкидлади. Дунё бўйича 100 дан ортиқ ривожланган мамлакатлар, яъни АҚШ, Буюк Британия, Австра-

лия, Канада, Дания ва яна бир қатор Европа мамлакатлари ОПВга қарши эмлашни йўлга қўйган, ҳозирги вақтгача 270 млн дан ортиқ дозада вакцина ишлатилди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари орасида биринчи бор Ўзбекистон Республикасида 2019 йилдан бошлаб 9-14 ёшли қизларни ОПВ га қарши эмлаш йўлга қўйилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЖССТ ва ЮНФПА каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология, ҳамда акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази етакчи мутахассислари 2021 йил июнь ойида Қорақалпоғистон Республикасида 50 000 та ва Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида 6000 та 30-55 ёшдаги аёллар ББС нинг одам папиллома вирусини аниқлаш усули билан пилот скрининг лойиҳаси бошланган

ва яқин кунларда муваффақиятли яқунланиши кутилмоқда. Бу лойиҳанинг натижасида аёлларда саратон олди касалликлари ўз вақтида аниқланиб даволанмоқда ва клиник белгисиз ББС бошланғич босқичда аниқланиб, керакли даво ўтказилмоқда. Ҳозирги кунда ЖССТ экспертлари билан биргаликда ББС ни скринингини бутун республикамиз миқёсида ўтказишни ташкиллаштириш режалаштирилмоқда. Бутун жаҳон бўйича ББС ни бартараф қилиш учун ЖССТ томонидан эйтироф этилган шиори: 9-14 ёшли қизлар 90 фоиз камров билан эмланиши; 30-49 ёшдаги аёлларнинг 7 фоиз ОПВ аниқлаш тести билан скринингдан ўтиши ва ББС билан касалланган аёлларнинг 90 фоизи керакли даво муолажаларини олиши ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан Юртбошимиз томонидан тиббиёт соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор меъёрий ҳужжатларни-

Бугун туғилган қизлар ушбу касалликдан ҳоли дунёда яшашлари учун ҳозирда мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдалансак, барчамиз ўзимиздан кейин катта мерос қолдиришимиз мумкин.

Наргиза ЗАХИРОВА,

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг аёллар репродуктив тизими ўсмалари бўлими илмий раҳбари, тиббиёт фанлари доктори.



амалга ошириш борасида қилинаётган саъи-ҳаракатлари натижасида келажакда ББС каби мудҳиш дардан фориғ бўлишга эришамиз деган умиддамиз. Бачадон бўйни саратонини соғлиқни сақлаш муаммоси сифатида бартараф этишни жадаллаштиришга қаратилган кенг камровли стратегия учун вақт етиб келди.

ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

Республикамизда болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Мазкур ҳуқуқий асослардан бири “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунидир.

Қонунда ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган шахс бола ҳисобланиши белгиланган. Шунингдек, қонунда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймаслик, боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллашти-

риш кабилар белгиланган. Бундан ташқари қонунда боланинг яшаш ҳуқуқи, индивидуалликка ва уни саклаб қолишга бўлган ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ҳимояга бўлган ҳуқуқи, оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи, ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, турар жойга бўлган ҳуқуқлари, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи, соғлиғини сақлаш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи кафолатлари белгилаб қўйилган.

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Миркомил МИРМАҚСУДОВ,
Фарғона вилояти Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси
Бекзоджон ХАЗРАТҚУЛОВ,
девоҳона мудир

МАҚСАДИМИЗ – ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ

Кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиёт тизимида Давлатимиз раҳбарининг халқимиз саломатлиги ва соҳа ривожини учун қабул қилаётган меъёрий ҳужжатлари замирида инсон қадрини муҳим эканлигини кўраимиз.



Эйтирофлис шундаки, Юртбошимиз тизимнинг ҳар бир йўналишига жиддий эътибор билан қараб, соҳа ривожини янада тубдан ўзгартириб, аҳолининг тиббиётга бўлган ишончини орттириб, тиббиёт ходимлари учун ҳам кенг имкониятлар яратадиганликлари эътиборга лойиқдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғриси”даги Қарорига асосан Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази қошидаги терапия бўлимида 6-ўринли Республика илмий ихтисослаштирилган алергология марказининг Тошкент вилояти минтақавий филиали 2021 йил июнь ойидан бошлаб бутун Тошкент вилояти ва Чирчиқ шаҳар аҳоли-

сига хизмат кўрсатиб келмоқда. Айни кунда, мазкур филиалда ёш мутахассис алерголог шифокор Шерали Дехқонов раҳбарлик қилиб келмоқда. Тошкент вилояти ва Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилаётган аҳоли ушбу шифо масканига мурожаат қилишиб, зарурат туғилса, маслаҳат ва тавсиялар олишади, шунингдек, муолажага муҳтож бўлса, стационарда даволанади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, алергия касаллигининг турли даражада кечадиган кўринишлари мавжуд. Шу боис, айрим беморлар шифохона талабига асосан бепул ва пуллик даво муолажаларини олишади. Ёш ва талабчан алерголог мутахассис Шерали Дехқонов Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларидан келиб, мурожаат қилган алергия касалликлари бор беморларни (бронхиал астма, алергик ринит, алергик бронхит, сурункали каварчиқ ва бошқа алергик касалликлар) шифохона шароитида ва амбулатор шароитда даволаб келмоқда. Барча даволаш ишларини Республика илмий ихтисослаштирилган алергология маркази билан ҳамкорликда олиб бормоқда.

– Мақсадимиз, аввало аҳолига касаллик тўғрисида тўлиқ маълумот бериш, шунингдек, беморга аниқ ташхис қўйиш ва тўғри даволашдан иборатдир, – дейди алерголог-шифокор Шерали Дехқонов.

Намозжон ТОЛИПОВ.

МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО



МЕЖДУНАРОДНОЕ ВЗАИМНОЕ
СОТРУДНИЧЕСТВО ПРОЕКТОВ GIZ И АБР

Министерством здравоохранения Республики Узбекистан реализуется проект «Развитие первичной медико-санитарной помощи», за счет заемных средств Азиатского банка развития (АБР), направленный на поддержку оптимизации государственных услуг здравоохранения, на улучшение и расширение первичной медико-санитарной помощи (ПМСП), оказываемых в сельских районах республики.

В рамках данного проекта услуги здравоохранения приближены к населению и способствуют улучшению ранней диагностики, лечения и ухода за хроническими больными с целью достижения ожидаемой продолжительности здоровой жизни и производительности труда, а также укреплению сектора здравоохранения в сельской местности посредством обеспечения сельских семейных поликлиник современным оборудованием, подготовкой медицинских кадров с целью расширения предоставляемых ими услуг.

В настоящее время проектом оснащены более 800 семейных поликлиник в сельской местности медицинским оборудованием, включая полностью цифровую, многофункциональную ультразвуковую диагностическую установку с цветным доплером, а также 12-канальными электрокардиографами. В рамках проекта также предусмотрено обучение примерно 2704 сотрудников семей-

ных поликлиник (врачей и медсестер) по использованию клинического оборудования для улучшения диагностических и терапевтических навыков. Это в свою очередь будет способствовать повышению качества медицинской помощи, уровня общественного доверия и полезности услуг ПМСП, и в конечном итоге – снижению заболеваемости и смертности. В результате реализации проекта медицинские учебные заведения Узбекистана, которые отвечают за подготовку медицинских кадров, будут обеспечены необходимой профессиональной подготовкой и оборудованием с целью институционального закрепления навыков медицинского персонала. Для эффективной работы на поставленной ультразвуковой диагностической установке организовано обучение врачей специалистов по УЗИ-диагностике, которое проводится на профильных кафедрах Центра развития профессиональной квалификации медицинских работ-



ников и факультетах повышения квалификации Андижанского и Самаркандского государственных медицинских институтов, где обучаются врачи сельских врачебных пунктов (акушер-гинекологи, хирурги, терапевты, педиатры и семейные врачи/врачи общей практики). Для обеспечения бесперебойной и долговременной работы особое значение имеет грамотная и правильная эксплуатация, а также постоянное техническое обслуживание используемого оборудования. В рамках проекта Представительства Германского общества по международному сотрудничеству (GIZ) в Узбекистане «Управление передовыми медицинскими

технологиями в Узбекистане», направленного на повышение качества управления жизненным циклом медицинского оборудования, продление сроков эксплуатации и сокращение сроков простоя по техническим причинам сложных медицинских аппаратов Экстренных и Перинатальных центров пилотных регионов, компанией GOPA Worldwide Consultants были разработаны методиче-

ские рекомендации по использованию, обслуживанию УЗИ аппаратов для медицинского и технического персонала.

В настоящее время информационные материалы 8 наименований, в общем количестве более 2 000 единиц на сумму 31 миллионов сум тиражированы на узбекском и русском языках и переданы в безвозмездное пользование сельским семейным поликлиникам.

Сотрудничество с Представительством Германского общества по международному сотрудничеству в Узбекистане продолжается и в настоящее время предусмотрена разработка различных руководств для медицинского и технического персонала по инкубаторам (кювезам), эндоскопическому, рентгенологическому оборудованию, а также по технике безопасности и метрологии.

ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАРГА ТЕХНИК
ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ БОШҚАРИШ

Жорий йилнинг 5 майдан 26 майгача бўлган даврда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти GIZ номидан GOPA Worldwide Consultants халқаро эксперти томонидан тиббий ускуна ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатишни бошқариш бўйича Тошкент, Самарканд, Наманган, Фарғона, Андижон ва Нукус шаҳарларида 7 тренинг-семинарлар

ташқил этилди. Мазкур семинарда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва Республика перинатал маркази ва уларнинг вилоят филиаллари ҳамда тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш бўйича Республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази ва унинг вилоят филиалларидан 140 нафарга яқин шифохона раҳбарлари,

шифохона ходимлари ва тиббий-техник мутахассислар иштирок этишди.

Тренинг Германия Иктисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Федерал вазирлиги (BMZ) топшириғи билан Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг «Ўзбекистонда илғор тиббий технологияларни бошқариш» лойиҳасининг 3-компоненти доирасида ўтказилди. Тренинг семинар жараёнида иштирокчилар тиббий асбоб-ускуналарнинг назорат рўйхатлари, шаблонлар ва шакллар каби профилактик техник хизмат кўрсатишнинг асосий стратегиялари, жараёнлари ва амалий воситалари билан яқиндан танишдилар.

Тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатишни бошқариш бўйича тренинг ўтган йилнинг июл ойида бошланган ўқув циклининг учинчи қисми бўлиб, бир кунлик юзма-юз машғулотлардан ташқари, иштирокчиларга тиббиёт ходимларининг



касбий малакасини ошириш марказининг «Тиббиёт техникаси ва инновацион технологиялар бўйича инженер-техник ходимлар» кафедраси томонидан www.tipme.uz сайтидаги «Moodle» электрон платформасида сиртки онлайн машғулотлар ҳам тақлиф этилди, электрон ўқув кур-

сини муваффақиятли тугатган иштирокчилар 18 кредит соати учун сертификат олиши режалаштирилган.

Кейинги босқич жойларда амалий семинарлар, шунингдек, тиббий жиҳозларнинг айрим турлари бўйича техник тренингларни ўтказилиши кўзда тутилган.

Саҳифа материалларини лойиҳа компоненти координатор/администратори, Дилафруз Ортикова тайёрлади.

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

БУХОРО ВИЛОЯТИ

АКЦИЯ ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЙИБ БОРГАНЛИГИ ҚУВОНЧЛИДИР

Ҳозир мамлакатимизда "Тиббиёт ислохотлари- инсон қадри учун" халқчил тамойили тизимда босқичма-босқич татбиқ этишга киришилган.

Эзгу ташаббуснинг қисқа вақт ичида қулоч ёйиб, акция географияси кенгайиб бораётгани эса янада қувонарли. Айни кунларда Бухоро вилоят Ромитан туманида ҳам мутахассисларнинг тумандаги Республика миқёсида жаррохлик амалиётларини ўтказиш талаб этадиган фуқаролар тиббий кўригини ўтказиётганлиги қувонарли ҳол албатта. Ту-

ман кўп тармоқли марказий поликлиникасида ўтказилган тиббий кўриклар натижасида юқори технологик жаррохлик амалиётлари талаб қилинадиган беморлар рўйхати шакллантирилиб борилди. Акция давомида уларнинг соғломлаштириш ишлари яъники, жаррохлик амалиёти ўтказилиши таъминланди. Шу билан бирга

ишчи гуруҳ томонидан бирламчи тизим томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар кўлами ва сифати, бепул тарқатилаётган 120 турдаги дори воситалар, ҳамда патронаж хизматининг сифат ва самдорлиги билан танишиш мақсадида 41-оилавий поликлиника ва "Марзия" оилавий шифокорлик пунктида бўлишди. Республиканинг ихтисослаштирилган марказларидан келган шифокорларнинг айни кеча кундузда аҳоли хонадонига қадар кириб тиббий хизмат кўрсатиши бу 4-5 йил илгари ақл



бовар қилмас ҳолат эди.

Шу ўрнида айтиш муҳимки, бу каби эзгули-


клардан халқимиз аҳли мамнун бўлмоқда.

Н. ТОЛИПОВ

ТИББИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

АЛЬЦГЕЙМЕР КАСАЛЛИГИНИНГ ЯНГИ САБАБИ АНИҚЛАНДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнги маълумотига кўра, маймун чечаги қайд этилган мамлакатлар 27 тага, инфекция тасдиқланган беморлар сони эса 780 нафарга етди.



Нью-Йорк университети нейробиологлари томонидан Альцгеймер касаллигининг янги сабаби аниқланди. Олимларнинг фикрича, ҳамма гап бош мия нейронларидаги хужайра бўлаклари ажралиб чиқишининг бузилиши билан боғлиқ. Тадқиқот натижалари Nature Neuroscience илмий журналида чоп этилди. Олимлар нейродегенератив касалликларига мойиллиги аниқланган тажриба сичконларининг мия намуналарини таҳлил қилди. Мутахассислар шунингдек, бир нечта инсон мияси намуналарини ҳам ўрганди.

Тадқиқотчиларни лизосомалар кислоталик даражасини қандай йўқотиши, ҳажмининг катталашishi ҳамда

хужайра қолдиқларини ҳаракатга келтирадиган вакулолар – амилоид оксиллар ва бошқа кераксиз чиқинди зарралари билан қўшилиб кетиши кизиктирди. Энг бузилган нейронларда вакулолар ядро хужайраси атрофида бирикмаларга айланади, олимлар уларни визуал тарзда гулларга киёслайди. Айрим шикастланган нейронларда амилоид тошмалар пайдо бўлган. Нейробиологларнинг фикрича, хужайраларнинг қолдиқ қисмлари ажралиш тизимининг бетартиб ишлаши Альцгеймер касаллигининг сабаби ҳисобланади. Келгусида тадқиқотчилар қўшимча тажриба ўтказишни режалаштирган.

ЎЗА

ОТДЫХ И ЛЕЧЕНИЕ

ОТКРЫЛИСЬ В САМУЮ ПОРУ

В первые дни сезона летних отпусков в Паркентском районе распахнул двери современный оздоровительный комплекс «Заркент».

Выступая на торжественной церемонии открытия, исполняющий обязанности хокима Ташкентской области Зойир Мирзаев сердечно поздравил ветеранов и молодежь с таким радостным событием. Он отметил, что поселок «Заркент» отличается замечательными и неповторимыми горными пейзажами, многообразием растительного мира, чистейшим целебным воздухом. В настоящее время здесь создается современная инфраструктура туризма, сдаются в эксплуатацию объекты для полноценного оздоровления граждан. Участники мероприятия подробно ознакомились с созданными в санатории условиями, выслушали мнения отдыхающих, приехавших сюда в канун открытия. В рассчитанном на 120 мест лечебном комплексе «Заркент» имеются отдельный корпус для проживания пациентов, лечебное отделение, столовая, бассейн и административное здание.



Современное оздоровительное заведение оснащено широким спектром физиотерапевтического и диагностического оборудования, красивой мебелью. Под наблюдением опытных врачей здесь могут проходить реабилитацию граждане, страдающие сахарным диабетом, аллергией, сердечной недостаточностью, болезнями дыхательных путей, а также урологическими, неврологическими, эндокринологическими и гинекологическими заболеваниями.

На осуществление данного проекта при содействии Совета Федерации профсоюзов Узбекистана направлено около 66 миллиардов сумов.

Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ.

КУН МАВЗУСИ


МАЙМУН ЧЕЧАГИНИ ЮҚТИРГАН БЕМОРЛАР

Маймун чечагини юқтирган беморлар сони бир ҳафта ичида 203 фоиз кўпайди

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнги маълумотига кўра, маймун чечаги қайд этилган мамлакатлар 27 тага, инфекция тасдиқланган беморлар сони эса 780 нафарга етди.

Энг кўп касалланиш кўрсаткичлари Буюк Британия ҳиссасига тўғри келмоқда — 207 нафар. Иккинчи ўринда 156 нафар бемор билан Испания, учинчи ўринда эса 138 та ҳолат билан Португалия борапти. Шимолий Америка, Австралия ҳамда Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам ўсиш динамикаси кузатилмоқда. Ваҳоланки, ЖССТнинг 26 май куни эълон қилинган ҳисоботида ушбу инфекция билан хасталанганлар сони 257

нафардан иборат эди. Бир ҳафта ичида мавжуд кўрсаткичлар 203 фоизга ошгани мутахассисларда хавотир уйғотяпти. Маълумки, Ғарбий Африка давлатлари маймун чечагининг табиий ўчоғи ҳисобланади. Бироқ касаллик аниқланаётган беморларнинг аксарияти ушбу қитъада саёҳатда бўлмаган. Яъни инфекция эндемик бўлмаган давлатларда авж олмоқда. Бу ҳолат хасталик биз ўйлагандан аввалроқ ушбу мамлакатларга кириб келган, деган



тахминларга сабаб бўлмоқда. Шунга қарамай, янги рўйхатга олинган беморлар орасида ҳозирча ўлим ҳолатлари кузатилгани йўқ. Шу боис ЖССТ ҳали маймун чечаги глобал пандемия учун асос бўлмайди, деган хулосада.

@SSVUZ

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Ташкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават.
Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 712 нусха.
Буюртма Г-640

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Хамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.